

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ ВА ЗАРУРЛИГИ

**Саманов Абдурашид Андамович**  
Тошкент давлат техника университети,  
“Корпоратив бошқарув” кафедраси катта ўқитувчиси  
E-mail: [liderudt@gmail.com](mailto:liderudt@gmail.com)

**Аннотация:** Мазкур мақолада саноат корхоналарида тадбиркорлик фаолиятни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми ва унинг зарурлиги, замонавий стратегияларни режалаштиришда фойдаланиладиган моделлар ҳақида фикр юритилган. Саноат тармоғини ривожланишига қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигининг ошишига, саноат тармоғида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бу жараёнларни ташкил этиш билан боғлиқ тушунчалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни белгиловчи омиллар, саноат тармоғи ва уларда фаолият кўрсатаётган корхоналарда тадбиркорлик лаёқатини мужассамлаштиришдаги омилларга таъриф берилган.

**Калит сўзлар:** Саноат, режалаштириш, кичик бизнес, механизм, иқтисодий самарадорлик, замонавий стратегия, бозор, тадбиркорлик, қиймат.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются экономический механизм развития бизнеса на промышленных предприятиях и его необходимость, модели, используемые при планировании современных стратегий. Меры, направленные на развитие промышленного сектора, описаны с точки зрения повышения экономической эффективности предприятий, концепций, связанных с развитием и организацией предпринимательства в промышленном секторе, факторов определяющих развитие малого бизнеса и частного предпринимательства.

**Ключевые слова:** промышленность, планирование, малое предпринимательство, механизм, экономическая эффективность, современная стратегия, рынок, предпринимательство, стоимость.

### Кириш

Етакчи тармоқлардан ҳисобланган саноат тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган тармоқлардан биридир. Ушбу саноат тармоғини янада ривожлантиришнинг имкониятлари кенглигини эътиборга олиб, тармоқнинг самарадорлигини янада ошириш, халқаро бозорларга мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат брендини бутун дунёга танитиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Саноат тармоғини ривожланишига қаратилган барча чора-тадбирлар корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигининг ошишига, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда. Саноат корхоналарининг тадбиркорлик фаолияти янада самарали ташкил этиш ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, рақобатбардошлик омиллари таъсирчанлик даражасини ўрганиш, корхоналарга муносиб баҳо бериш, йўл

қўйилаётган камчилик ва муаммоларни аниқлаш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши жорий йилда 35 фоиздан 37 фоизга ортиши кутилмоқда. Бироқ айрим шаҳар ва туманларда бу ўта муҳим масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Оқибатда, республиканинг 27 та туманида саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 1 фоизига ҳам етмайди. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш керак [1].

Саноат республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Чунки, саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Саноат тармоғининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан саналган саноат тармоғи корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қўйидаги ўзгаришларни босқичма-босқич амалга оширишни талаб этади:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали чинакам мулкдорлар синфини янада кўпайтириш;
- аввалдан шаклланган, хом ашё етказиб беришга ихтисослашган тармоқлардан воз кечиш, уларнинг ўрнида тайёр маҳсулот тайёрловчи қувватларни барпо этиш;
- моддий (ер, капитал) ва шахсий инсоний (меҳнат, тадбиркорлик) ресурслардан самарали фойдаланиш, шу орқали ишлаб чиқаришни инновацион йўл билан ривожлантириш;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар эркин фаолият юритиши учун давлат томонидан ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам ҳуқуқий кафолатлар бериш;
- жаҳон бозорига Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кириб бориши учун замонавий хорижий фирмалар тажрибаси ва техника-технологияларини мамлакат саноатига жорий этиш, бунинг учун қулай инвестицион муҳит яратиш;
- мавжуд ишлаб чиқариш тажрибалари, малакали кадрлар салоҳияти ва барча интеллектуал мулкни босқичма-босқич ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий қўллаб қувватлаш манбалари томонидан имтиёзлар яратиш, молиявий маблағларни мақсадли йўналишларга жалб этиш.

Умуман, саноат тармоғида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бу жараёнларни ташкил этиш билан боғлиқ жуда кўп тушунчалар мавжуд. Кичик бизнесни ривожлантириш механизми ана шундай тушунчалар қаторига киради. “Механизм” тушунчаси юнон тилидан олинган бўлиб, механикадан кириб келган. У иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш усуллари ва воситалари йиғиндиси маъносини англатувчи тушунча сифатида қўлланилади [2].

Ушбу тушунча турли даврларда иқтисодчилар томонидан кенг, турли

маъноларда қўлланилган. Ҳар бир даврда ижтимоий-иқтисодий формация ўз механизмига эга бўлган. Тадбиркорлик фаолияти ривожлантириш механизмини англаш учун аввал бозор механизмига таъриф берсак, бозор механизми – бу бозор тизимига хос бўлган, бир-бирини тақазо этувчи ва биргаликда амал қилувчи иқтисодий воситалардир. Уларга талаб, таклиф, фойда, зарар, рақобат, нарх, пул кабилар кирилади.

Тадбиркорлик фаолиятини саноат тармоғида ривожлантириш механизми эса – бу саноат тармоғига кирувчи корхоналар бизнес фаолиятини ташкил этиш, уни юритишнинг усул, услуб ва принциплари мажмуи бўлиб, улар ёрдамида бизнес фаолиятини ривожлантириш жараёни, муносабатлари ҳамда улар ўртасидаги алоқа амалга оширилади. Умуман, хўжалик механизми, ривожлантириш механизмлари бўйича жуда кўп таниқли иқтисодчилар жумладан, Л.И.Абалкин, Н.Қ.Йўлдошев, Ш.Н.Зайнутдинов, Ғ.М.Қосимов, Э.Х.Махмудов ва бошқалар ўз фикр-мулохазаларини берганлар [3]. В.Ф.Фил-липов хўжалик механизми ўз ичига ривожлантиришнинг асосий элементлари ҳисобланадиган режалаштиришни, иқтисодий дастаклар ва рағбатларни, ташкилий тузилмаларни, усул ва услубларни, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда меҳнат жамоаси иштирокини турли шакллари ямлайди, деб таъкидлайди [5].

Демак, хўжалик механизми билан ривожлантириш механизми ўзаро алоқада бўлади, улар бир-бирига жуда яқин тушунчалар. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, кўп иқтисодий адабиётларда “ривожлантириш механизми” ва “хўжалик механизми”, “иқтисодий механизм” тушунчалари бир-биридан жиддий фарқланмаган. Лекин, бозор иқтисодиёти шароитида “Ривожлантириш механизми” тушунчаси асосий ташкилий иқтисодий категория ҳисобланади ва бизнес фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа механизмларни ўзида мужассамлаштиради.

#### **Таҳлил ва натижалар**


Шундай қилиб, ривожлантириш механизмига ривожлантириш объекти фаолияти натижалари боғлиқ бўлган омилларга таъсир этишни таъминловчи ривожлантириш тизимининг фаол элементи сифатида қараш лозим. Демак, ривожлантириш механизми ривожлантириш мақсадларига эришиш учун ривожлантириш субъектлари томонидан қўлланиладиган ривожлантириш жараёнларига таъсир этувчи усуллар, воситалар ва дастаклар йиғиндиси дир.

Ривожлантириш механизми ривожлантиришда қўлланиладиган таъсир воситаларининг йиғиндиси ёки ривожлантиришда қўлланиладиган ричаглар мажмуаси. Ривожлантириш механизми – бу ҳам ривожлантириш имкониятини, ҳам самарани белгиловчи персоналнинг фаол активлигининг мотивлар йиғиндиси дир. Лекин берилган таърифларда ривожлантириш таъсирининг элементлар йиғиндисини амалга ошириш субъекти кўрсатилмаган. Шунинг учун кичик корхонанинг ривожлантириш механизми раҳбарларнинг мослашувчанлигини таъминлаш учун улар томонидан қўлланиладиган ривожлантириш таъсирининг принциплар, услублар, функциялар ва инструментларнинг корхонанинг иқтисодий-ижтимоий фаолият кўрсатиш жараёнига таъсирлар мажмуаси дир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш

механизми улар фаолиятини ҳамда бир-бирини таъминловчи воситадир. Энг аввало кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш шунга боғлиқдир.

Ривожлантириш механизми бир қанча таркибий элементларни ўз ичига олади.(1-расм)



**1-расм.Ривожлантириш механизми элементлари**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни ривожлантиришнинг зарурлигини белгиловчи омиллар ҳақида қуйидаги фикрлар таъкидланади:

- республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитади;
- аҳолининг (айниқса, ортиқча меҳнат заҳиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойларда) иш билан бандчилигини таъминлайди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фақат ички бозорни истеъмол товарлари билан таъминлаш билан бирга ташқи бозорларга ҳам рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга қодир;
- кичик бизнесда бозор конъюктурасининг ўзгаришига тезда мослаша олиш имконияти ҳам мавжуд;
- унинг фан ва техниканинг янги ютуқларини тез ўзлаштириш қобилияти ҳам бор.

Бундан ташқари, ривожлантириш механизми мураккаб ривожлантириш категорияси сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ривожлантириш мақсадлари (БМ);
- миқдорий аналог (ўхшаш) мақсадлари (БК) – ривожлантириш мезонллари;
- ривожлантириш омиллари (БО) – ривожлантириш элементлари ва мақсадларга эришиш учун улар ўртасидаги алоқалар;
- кўрсатилган ривожлантириш омилларига таъсир қилиш усуллари (ТУ);
- ривожлантириш ресурслари (БР)- моддий ва молиявий ресурслар, ижтимоий салоҳият;
- комплекс ривожлантириш механизми - КБМ

Шунга кўра муайян ривожлантириш механизми объекти учун функционал тарзда тасвирлаш мумкин.

$$КБМ \int (БМ:БК:БО:ТУ:БР) \quad (1)$$

Комплекс механизм таркибидаги алоҳида ривожлантириш механизмлари асосий функцияларини бир-бирига мувофиқлаштириш ривожлантириш жараёнининг максимал самарадорлигини ва натижавийлигини яратишга имкон беради.

Мажмуавий ривожлантириш механизми – бу ташкилотни ривожлантириш жараёнига таъсир қилувчи ташкилий-иқтисодий, мотивацион ва ҳуқуқий элементлар тизимининг мажмуидир.

Мажмуавий ривожлантириш механизми мураккаб ва тизимли шаклланган механизм ҳисобланиб, қуйидаги элементлардан ташкил топади

Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрнини баён этишда уни афзалликларини санаб ўтиш кичик бизнесни моҳиятини янада очиб беради.

Шунга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини саноат корхоналарида ривожлантириш механизмини такомиллаштириш ва тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шунини эътироф этиш лозимки, саноат корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш имконияти уларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам бевосита боғлиқ.[6] “Саноат ишлаб чиқариш салоҳияти” иқтисодий категория сифатида мураккаб тушунча бўлганлиги боис, уни ташкил этувчилари ҳам кўплаб элементлардан иборат бўлади. Жумладан, А.О.Ларионов ва бошқа иқтисодчилар тадқиқотларида саноат салоҳияти материал-техник, молиявий, меҳнат, инфратузулмавий ва инвестицион салоҳият кўрсаткичлари билан тавсифланади.[7] Бу кўрсаткичлар саноат корхонаси ишлаб чиқариш салоҳиятини инновацион элементлари орқали ривожлантириш даражасини белгилаб беради. Саноат корхонаси салоҳияти мамлакатнинг хом-ашё манбаси ва барча фойдаланиш мумкин бўлган ресурсларни ишлаб чиқара олиш қобилияти ва имкониятлари даражасини кўрсатиб беради.

Бугунги кунда саноат бозордаги зарур мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва аҳоли даромадларини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш сингари муаммоларни самарали ҳал этиш имкониятини ҳам беради ҳамда мазкур тармоқ янги иш ўринларини яратишда муҳим ўрин тутди. Хусусан, қайта ишловчи саноатда битта иш ўринининг яратилиши бошқа тармоқларда икки ёки учта иш ўрни яратилишига олиб келади.[8]

Саноат корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ва барқарор ривожланиш даражасига чиқишига бошқарув ҳамда тартибга солиш механизмлари ҳисобидан эришиш мумкин. Саноат корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига шароит яратишнинг стратегик йўналишларидан булар бюджет, солиқ, пул кредит, нарх ва валюта сиёсати каби воситаларни қамраб олган қулай макроиқтисодий муҳитни яратиш ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар саноат корхоналарининг мамлакат иқтисодиёти ривожини учун зарурлиги ҳамда унда тадбиркорлик фаолиятини юзага чиқариш давлатнинг қатор иқтисодий муаммоларини бартараф этилишига олиб



келади.

Л.И. Абалкиннинг таъкидлашича, хўжалик механизми фаолият юритишнинг шакл ва усулларининг мажмуидир, ўз таркибига нафақат базавий балки бир-бирига таъсир кўрсатувчи устқурмавий элементларни ҳам киритади [9]. В.А. Улянов фикрича, хўжалик механизми – бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули, хўжалик юритиш шакли (режа, иқтисодий нормативлар, нарх, фойда, иш ҳақи, молия, кредит, қарор қабул қилиш) сифатида ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантирувчи тизим, шунингдек, у нафақат ишлаб чиқариш муносабатларида балки, ишлаб чиқариш кучларини ва структурасини ташкил этиш демакдир.[10] Е.Е. Вершигора хўжалик механизми режалаштириш, иқтисодий рағбатлантириш, бозор механизми ва ташкилий структуранинг биргаликдаги ҳаракати ҳамда уйғунлиги натижасида юзага келишини таъкидлайди.[11]

Юқоридагиларни инобатга олиб айтишимиз мумкинки, хўжалик механизми кўпроқ макродаражага хос.

Бизнингча, ривожлантириш механизми 5 та асосий элементлардан ташкил топади:

- ривожлантириш объекти ва субъекти;
- мақсадлар ва функциялар;
- ривожлантириш органлари ва ташкилий структура;
- усуллар ва тамойиллар;
- воситалар.

Фикримизча, ривожлантириш тизими ва ривожлантириш механизми бир хил эмас. Фарқи шундаки, механизм ўз таркибига ривожлантириш усуллари, шакллари ва функцияларини киритади. Тизим эса юқоридагилардан ташқари ўз таркибига ривожлантириш функцияларини бажарувчи ривожлантириш аппаратини ҳам киритади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Илмий манбаларда мамлакат иқтисодий тараққиёти ва унинг барқарор ўсиши асосан унинг иқтисодиётида саноат тармоғининг ривожланганлик даражаси билан аниқланган. Саноат корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари иқтисодиёт, маркетинг ва менежмент бўйича тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олимлар илмий ишларида илгари сурилган ҳамда уни ривожлантириш бевосита миллий иқтисодиётдаги қатор иқтисодий муаммоларни ҳал қилинишига эришилишини кўрсатиб ўтишган.

Саноат корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш ва унинг барқарор ривожланиши аввало уни қай йўсинда ташкил этиш ва бошқаришга боғлиқ бўлади. Жаҳондаги етакчи бренд компаниялар ишнинг самарали олиб борилиши кўпинча уни қай усулда ва шаклда ташкил этишга боғлиқ деб кўрсатишади. Шундай экан, саноат корхоналарида бозор талабига мувофиқ уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини жорий этмасдан туриб амалга ошириш қийин бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган саноат тармоғи ва уларда фаолият кўрсатаётган корхоналарда тадбиркорлик лаёқатини мужассамлаштириш кўпгина омилларга боғлиқ. Қатор иқтисодчи олимлар энг аввало унга ички ва ташқи омилларни ҳамда бошқа омилларни кўрсатиб ўтишади.

Тахлиллар, ўрганишлар шунинг кўрсатадики, айнан миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарида комплекс мужассамлаштирувчи ва уларни фаолиятида товар ва хизматлар бозорларига харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқара олмаслигидадир. Бу ўз навбатида кўпгина жаҳон тан олган маркетинг тамойиллари жорий этишни тақозо этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантириш-нинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics /zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>
2. Э.Х. Махмудов, А. Ортиков, Ф. Каримов. Корхона иқтисодиётнинг асосий бўғини. / Ҳамкор. 2010 йил 7 февраль.;
3. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳудуд дунёси, 2003, - 256 б.; А.Ортиков. Саноат иқтисоди. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2009. 236 б.
4. Филиппов В.Ф. Беседы о хозяйственном механизме. 2-е изд., доп. -М: Политиздат, 1984. 192 с.
5. Hausmann R., Rodrik D. Economic Development as Self-Discovery // Journal of Development Economics. December 2003;
6. Hausmann R., Hwang J., Rodrik D. What You Export Matters. NBER Working Paper. January 2006;
7. Управление экономическим потенциалом организации: учебное пособие. / А.П.Романов, Г.Г.Серебренников, В.М.Безутлая, О.В.Кириллина, М.К.Чарыкова. - Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2012. - 27
8. Lavopa A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series 2012-081. Maastricht The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology
9. Абалкин Л.И. От экономической теории до концепции долгосрочной стратегии // Проблемы современной России. М., 2011, с. 39-47.
10. Сеялова Г.С. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. "Оренбург. гос. ун-т". - Оренбург: ОГУ, 2006. - 139 с.
11. Вершигора Е.Е. Менеджмент: Учебное пособие. 2-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2000.- 283 с.